

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНУНИ

МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТҮҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 180-модда;
Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 2005 й., 37-38-
сон, 277-модда; 2009 й., 41-сон, 440-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон халқининг умуммиллий бойлиги бўлмиш маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

Қорақалпоғистон Республикасида маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари кўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қўйидаги асосий тушунчалар кўлланилади:

ансамбллар — тарихан таркиб топган ҳудудда аниқ қўзга ташланадиган, атроф манзараси билан умумийлиги ёки алоқадорлиги тарихий, археологик, меъморий, эстетик ёки ижтимоий-маданий қимматга эга бўлган, ижтимоий, маъмурий, диний, илмий, ўқувтаълим, истехком, сарой, тураржой, савдо, ишлаб чиқариш ва бошқа аҳамиятга молик ҳамда рассомлик, ҳайкалтарошлиқ, амалий безак санъати, меъморчилик асарлари билан боғлиқликда алоҳида ёки ўзаро биргаликда турган ёдгорликлар, иморатлар ва иншоотлар гурухлари, шунингдек тарихий тарҳларнинг ҳамда манзилгоҳлар иморатларининг қолдиқлари, ландшафт архитектураси ва боғ-роғ санъати асарлари (боғлар, истироҳат боғлари, хиёбонлар, сайилгоҳлар);

диққатга сазовор жойлар — инсон ва табиат ижодининг муштарак маҳсули, шунингдек тарихий, археологик, шаҳарсозлик, эстетик, этнологик ёки антропологик қимматга эга бўлган ҳудудлар, шу жумладан халқ ҳунармандчилиги масканлари, тарихий манзилгоҳлар ёки шаҳарсозлик тархи марказлари ва тарихий (шу жумладан ҳарбий) воқеалар, ёдгорликлар, атоқли тарихий шахсларнинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган иморатлар, хотира жойлари, табиий ландшафтлар, шунингдек кўхна шаҳарлар, шахристонлар, манзилгоҳлар, қароргоҳлар иморатларининг маданий қатламлари, қолдиқлари, маросимлар бажо этиладиган жойлар;

ёдгорликлар — тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгacha маданий қимматга эга бўлган айrim иморатлар, бинолар ва иншоотлар, улар билан боғлиқ бўлган рассомлик, ҳайкалтарошлиқ, амалий безак санъати асарлари ҳамда шу иморатлар, бинолар ва иншоотларнинг тарихан таркиб топган ҳудудлари, шунингдек мемориал уйлар, квартиralар, қабристонлар, мақбаралар ва айrim қабрлар, монументал санъат асарлари, фан ва техника (шу жумладан ҳарбий техника) объектлари, антропология, этнография, нумизматика, эпиграфика, картография материаллари, кинофильмлар, аудио-

, видео ёзувлар ҳамда бошқа жисмлардаги ёзувлар, адабиёт ва санъат асарлари, архив, қўллэзма ва чизма ҳужжатлар, қадимги қўллэзма китоблар, ҳарф териш усулида чиқарилган дастлабки китоблар, нодир ва ноёб нашрлар, ноталар, муқаддас буюмлар ва мемориал хусусиятга эга бўлган ашёлар, тош ҳайкаллар, қояга ўйиб солинган тасвирлар, археология ёдгорликлари;

маданий мерос объектлари — моддий ва номоддий маданий мерос объектлари;

моддий маданий мерос объектлари — тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган ансамбллар, диққатга сазовор жойлар ва ёдгорликлар;

номоддий маданий мерос объектлари — тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган урф-одатлар, ҳалқ ижодиёти (сўз, рақс, мусика, томоша санъати), шунингдек улар ҳамда ҳалқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати билан боғлиқ билимлар, кўнилмалар, асбоб-анжомлар, артефактлар, маданий маконлар.

(3-модданинг матни *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 октябрдаги ЎРҚ-228-сонли Қонуни таҳририда* — *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 440-модда*)

4-модда. Моддий маданий мерос объектларининг тоифалари

Моддий маданий мерос объектлари қўйидаги тоифаларга бўлинади:

бутун мамлакат тарихи ва маданияти учун алоҳида аҳамиятга молик тарихий, илмий, меъморий, бадиий ва мемориал қимматга эга бўлган республика аҳамиятидаги моддий маданий мерос объектлари;

вилоят, туман, шаҳар тарихи ва маданияти учун алоҳида аҳамиятга молик тарихий, илмий, меъморий, бадиий ва мемориал қимматга эга бўлган маҳаллий аҳамиятдаги моддий маданий мерос объектлари.

(4-модда *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 октябрдаги ЎРҚ-228-сонли Қонуни таҳририда* — *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 440-модда*)

П. МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

5-модда. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқарувини амалга оширувчи органлар

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

(5-модданинг матни *Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 15 сентябрдаги ЎРҚ-5-сон Қонуни таҳририда* — *Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 37-38-сон, 277-модда*)

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини амалга оширади;

маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асрар, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурларини тасдиқлайди;

Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрини ва Номоддий маданий мерос объектларининг рўйхатини юритиш тартибини белгилайди;

(6-модданинг тўртминчи хатбоюси *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 октябрдаги ЎРҚ-228-сонли Қонуни таҳририда* — *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 440-модда*)

маданий мерос объектларининг муҳофаза қилиниши, асрариши ва улардан фойдаланилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш тартибини белгилайди;

республика аҳамиятидаги моддий маданий мерос объектларининг, шу жумладан Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган объектларнинг ҳудудлари ва муҳофаза теграларидан фойдаланиш тартиботларини тасдиқлайди;

(6-модданинг олтинчи хатбоиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 октябрдаги ЎРҚ-228-сонли Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 440-модда)

тариҳий-маданий қўриқхоналарни, музей-қўриқхоналарни ва тариҳий манзилгоҳларни тузиш тартиби ва сақлаш тартиботини белгилайди;

маданий мерос объектларини тариҳий-маданий экспертизадан ўтказиш тартибини белгилайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари

(7-модданинг номи Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 15 сентябрдаги ЎРҚ-5-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 37-38-сон, 277-модда)

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги:

(7-модданинг биринчи хатбоиси Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 15 сентябрдаги ЎРҚ-5-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 37-38-сон, 277-модда)

юридик ва жисмоний шахслар томонидан маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асрар, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашади;

(7-модданинг учинчи хатбоиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 октябрдаги ЎРҚ-228-сонли Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 440-модда)

моддий маданий мерос объектларини илмий ва илмий-техник тадқиқ этиш, консервациялаш, таъмирлаш ҳамда хозирги замонда фойдаланишга мослаштириш бўйича давлат дастурларини амалга оширади;

(7-модданинг тўртинчи хатбоиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 октябрдаги ЎРҚ-228-сонли Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 440-модда)

маданий мерос объектларининг аниқланиши, ҳисобга олиниши, муҳофаза қилиниши, тарғиб қилиниши ва улардан фойдаланилишини таъминлайди;

маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича давлат бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрини ва Номоддий маданий мерос объектларининг рўйхатини юритади;

(7-модданинг еттинчи хатбоиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 октябрдаги ЎРҚ-228-сонли Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 440-модда)

маданий мерос объектларининг тариҳий-маданий экспертизасини ташкил этади ва амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармасининг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги «Ўзархив» агентлиги Ўзбекистон Республикасининг Миллий архив фондида турган маданий мерос ҳужжатли обьектларини ўзига берилган ваколатлар доирасида ҳисобга олиниши, муҳофаза қилиниши ва улардан фойдаланилишини амалга оширади.

(8-модданинг матни *Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелдаги 621-II-сон Қонуни таҳририда* — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда)

9-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўзларига берилган ваколатлар доирасида ўз ҳудудларида жойлашган маданий мерос обьектларини аниқлайдилар ҳамда уларни ҳисобга оладилар, муҳофаза қиласидилар, асрайдилар ва улардан фойдаланадилар, маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлайдилар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмаларини маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш тадбирларини ўтказишга жалб этадилар.

III. МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

10-модда. Маданий мерос обьектларининг давлат томонидан муҳофаза қилинишини таъминлаш

Маданий мерос обьектларини давлат томонидан муҳофаза қилиш бу маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида давлат бошқарувини амалга оширувчи органлар томонидан кўриладиган хуқуқий, ташкилий, молиявий, ахборотга доир, моддий-техникавий ва бошқа чора-тадбирлар тизимиdir.

Маданий мерос обьектларини давлат томонидан муҳофаза қилиш:

тарихий-маданий қимматга эга бўлган обьектларни давлат ҳисобига олиш, ҳамда Моддий маданий мерос обьектларининг давлат кадастрини ва Номоддий маданий мерос обьектларининг рўйхатини юритиш;

маданий мерос обьектларининг илмий ва илмий-техник тадқиқ этилишини ривожлантириш;

маданий мерос обьектларини тарихий-маданий экспертизадан ўтказиш;

моддий маданий мерос обьектлари муҳофаза теграларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

моддий маданий мерос обьектларини асраш бўйича ишларни амалга ошириш, шунингдек моддий маданий мерос обьектларида илмий ва илмий-техник тадқиқотлар ўтказиш учун рухсатномалар бериш;

(10-модданинг иккинчи қисми олтинчи хатбоиси *Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги ЎРҚ-352-сонли Қонуни таҳририда* — ЎРҚХТ, 2013 й., 18-сон, 233-модда)

алоҳида тартибга солиниши лозим бўлган ва моддий маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ шаҳарсозлик фаолияти обьектларининг чегараларини белгилаш;

моддий маданий мерос обьектларида муҳофаза белгиларини ўрнатиш;

маданий мерос обьектлари ҳолатининг мониторингини амалга ошириш.

Маданий мерос обьектларини давлат томонидан муҳофаза қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирлар орқали хам таъминланиши мумкин.

(10-модданинг иккинчи қисми *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 октябрдаги ЎРҚ-228-сонли Қонуни таҳририда* — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 440-модда)

11-модда. Моддий маданий мерос обьектларининг давлат кадастри ва Номоддий маданий мерос обьектларининг рўйхати

Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркибий қисми ҳисобланади ҳамда у моддий маданий мерос объектларининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янгиланиб туриладиган маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат бўлади.

Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрини юритишга қуидагилар киради:

моддий маданий мерос объектларига доир мулк ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш;

моддий маданий мерос объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш;

моддий маданий мерос объектларини сифат ва қиймат жиҳатидан баҳолаш;

кадастр ахборотини тизимга солиш, сақлаш ва янгилаб бориш;

моддий маданий мерос объектларининг ҳолати ҳақида ҳисоботлар тузиш;

Давлат кадастрлари ягона тизимиға киритиш учун тегишли ахборот тақдим этиш;

фойдаланувчиларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кадастр ахбороти билан таъминлаш.

Номоддий маданий мерос объектларининг рўйхати номоддий маданий мерос объектлари тўғрисидаги янгиланиб туриладиган маълумотлар кўрсатилган ҳисобга олиш ҳужжатидан иборат бўлади.

Номоддий маданий мерос объектларининг рўйхатини юритишга қуидагилар киради:

номоддий маданий мерос обьектини идентификация қилиш;

тегишли номоддий маданий мерос объектларининг тармоқлари, йўналишлари, жанрлари ва услубларини таснифлаш;

номоддий маданий мерос обьектларини доимий равишда тикловчи шахсларни, гурӯҳларни кўрсатиш;

маълумотларни тизимга солиш, сақлаш ва янгилаб бориш;

номоддий маданий мерос объектларининг сифат ҳолатини аниқлаш ва унинг натижалари бўйича ҳисоботлар тузиш.

Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрини ва Номоддий маданий мерос объектларининг рўйхатини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

(11-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 октябрдаги ЎРҚ-228-сонли Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 440-модда)

12-модда. Маданий мерос обьектини Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрига ёки Номоддий маданий мерос объектларининг рўйхатига киритиш

Тарихий-маданий қимматга эга бўлган обьектларни Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрига ёки Номоддий маданий мерос объектларининг рўйхатига киритиш Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан маҳаллий давлат хокимияти органлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг таклифлари асосида амалга оширилади.

Тарихий-маданий қимматга эга бўлган обьектларни Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрига ёки Номоддий маданий мерос объектларининг рўйхатига киритиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида тарихий-маданий экспертиза хulosаси олинган кундан эътиборан мазкур обьектлар аниқланган маданий мерос обьектлари жумласига киритилади.

Археология ёдгорликлари топилган пайтидан эътиборан аниқланган моддий маданий мерос обьектлари жумласига киритилади.

Тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган янги аниқланган моддий маданий мерос обьектлари Моддий маданий мерос объектларининг давлат

кадастрига киритилиши тўғрисидаги масала ҳал қилингунгача ушбу Қонун талабларига мувофиқ муҳофаза қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги аниқланган моддий маданий мерос обьектининг мулқорини мазкур обьект Моддий маданий мерос обьектларининг давлат кадастрига киритилганлиги тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичida хабардор қилиши шарт.

(12-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 октябрдаги ЎРҚ-228-сонли Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 440-модда)

13-модда. Моддий маданий мерос обьектининг паспорти

Моддий маданий мерос обьектларининг давлат кадастрига киритилган моддий маданий мерос обьектига моддий маданий мерос обьектининг паспорти берилиб, унга мазкур моддий маданий мерос обьектини муҳофаза қилиш мазмунидан иборат маълумотлар ва обьектнинг тавсифлари киритилади.

(13-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 октябрдаги ЎРҚ-228-сонли Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 440-модда)

14-модда. Моддий маданий мерос обьектини Моддий маданий мерос обьектларининг давлат кадастридан чиқариш

Моддий маданий мерос обьектини моддий маданий мерос обьектларининг давлат кадастридан чиқариш, агар обьект жисман тўла йўқотилган бўлса ёки моддий маданий мерос обьекти сифатидаги ўз қимматини йўқотган бўлса, тарихий-маданий экспертиза хulosаси асосида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Моддий маданий мерос обьектини Моддий маданий мерос обьектларининг давлат кадастридан чиқариш тўғрисидаги қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

(14-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 октябрдаги ЎРҚ-228-сонли Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 440-модда)

15-модда. Маданий мерос обьектларининг тарихий-маданий экспертизаси

Маданий мерос обьектларининг тарихий-маданий экспертизаси:

маданий мерос обьекти Моддий маданий мерос обьектларининг давлат кадастрига ёки Номоддий маданий мерос обьектларининг рўйхатига киритилишини асослаш;

моддий маданий мерос обьектининг тоифасини белгилаш;

моддий маданий мерос обьектининг тоифаси ўзгартирилишини асослаш;

моддий маданий мерос обьектини Моддий маданий мерос обьектларининг давлат кадастридан чиқариш;

моддий маданий мерос обьектлари муҳофаза тегралари лойиҳаларининг шахарсозлик ва лойиҳалаш ҳужжатларига, шунингдек мўлжалланаётган ер қазиш, ер тузиш, қурилиш, мелиорация, хўжалик ишлари ва бошқа ишларнинг моддий маданий мерос обьектларини асраш талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Маданий мерос обьектларининг тарихий-маданий экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилади ва амалга оширилади.

(15-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 октябрдаги ЎРҚ-228-сонли Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 440-модда)

16-модда. Тарихий-маданий экспертиза обьектлари

Тарихий-маданий экспертиза обьектлари қуйидагилардир:

хўжалик жиҳатидан ўзлаштирилиши лозим бўлган ер участкалари, агар уларда моддий маданий мерос обьектлари жойлашган бўлса;

маданий мерос объектлари Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрига ёки Номоддий маданий мерос объектларининг рўйхатига киритилишини асословчи материаллар;

моддий маданий мерос объектлари Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастридан чиқарилишини асословчи материаллар;

моддий маданий мерос объектининг тоифаси белгиланишини ёки ўзгартирилишини асословчи материаллар;

ушбу Қонунда белгиланган ҳолларда шаҳарсозлик ва лойиха ҳужжатлари;

моддий маданий мерос объектларига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ер қазиш, ер тузиш, курилиш, мелиорация, хўжалик ишлари ва бошقا ишларни асословчи ҳужжатлар.

(16-модданинг матни *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 октябрдаги ЎРҚ-228-сонли Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 440-модда*)

17-модда. Моддий маданий мерос объектлари қўриқланадиган тегралар

Моддий маданий мерос объектининг ўзгартирилиши мумкин бўлмаган ўзига хос хусусиятларини ва унинг тарихий муҳитини сақлаб қолиш мақсадида унга туташ худудда муҳофаза тегралари, иморатлар қуриш ва хўжалик фаолиятини тартибга солиш тегралари, қўриқланадиган табиий ландшафт тегралари белгилаб қўйилади.

Муҳофаза тегралари, иморатлар қуриш ва хўжалик фаолиятини тартибга солиш тегралари ҳамда қўриқланадиган табиий ландшафт теграларининг чегаралари ва уларни сақлаш тартиботлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

(17-модданинг номи ва биринчи қисми *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 октябрдаги ЎРҚ-228-сонли Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 440-модда*)

18-модда. Маданий мерос объектларининг ҳолати устидан назорат

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрига ёки Номоддий маданий мерос объектларининг рўйхатига киритилган маданий мерос объектлари ҳолатини назорат килиб туриши ҳамда моддий маданий мерос объектларининг асралиши юзасидан жорий ва истиқбол дастурларини ишлаб чиқиши мақсадида беш йилда бир марта моддий маданий мерос объектларининг ҳолатини қўриқдан ўтказиши ва уларни қайд этиб қўйиши шарт.

(18-модданинг матни *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 октябрдаги ЎРҚ-228-сонли Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 440-модда*)

19-модда. Маданий мерос объектларини Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига ёки Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритиши

Тарих, санъат, фан, эстетика, этнология ёки антропология нуқтаи назаридан ҳар томонлама бекёс қимматга эга бўлган маданий мерос объектлари Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция ҳамда Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияда белгиланган тартибда тегишинча Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига ёки Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритиш йўли билан жаҳон маданий мероси объектлари жумласига киритилиши мумкин.

Маданий мерос объектлари тарихий-маданий экспертизасининг хулосаси асосида маданий мерос объектларини Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига ёки Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритиш тўғрисидаги таклифлар ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари

бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) хузуридаги Умумжаҳон мероси қўмитаси ва Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукumatлараро қўмита талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ҳужжатлар юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссиясига юборилади

(19-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 октябрдаги ЎРҚ-228-сонли Конуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 440-модда)

IV. МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ АСРАШ

20-модда. Маданий мерос объектларини асраш чора-тадбирлари

Моддий маданий мерос объектларини асраш чора-тадбирлари уларни консервациялаш, тузатиш, таъмирлаш, ҳозирги замонда фойдаланишга мослаштиришни, шунингдек улар билан боғлиқ илмий ва илмий-техник тадқиқотлар, лойиҳалаш ҳамда ишлаб чиқариш ишларини ўз ичига олади.

Моддий маданий мерос объектини консервациялаш — моддий маданий мерос объектини мавжуд қўринишида асраш ва унинг ҳолати ёмонлашувининг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган илмий ва илмий-техник тадқиқотлар, лойиҳалаш ҳамда ишлаб чиқариш ишлари мажмуи.

Моддий маданий мерос объектини тузатиш — моддий маданий мерос объектининг муҳофаза мазмунини ташкил этувчи ўзига хос хусусиятларини ўзгартирган ҳолда объектни фойдаланиш ҳолатида сақлаб туриш мақсадида амалга ошириладиган илмий ва илмий-техник тадқиқотлар, лойиҳалаш ҳамда ишлаб чиқариш ишлари мажмуи.

Моддий маданий мерос объектини таъмирлаш — моддий маданий мерос объектининг тарихий ва эстетик қимматини аниқлаш ҳамда сақлаб қолиш ва унинг бут сақланишини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган илмий ва илмий-техник тадқиқотлар, лойиҳалаш ҳамда ишлаб чиқариш ишлари мажмуи.

Моддий маданий мерос объектини ҳозирги замонда фойдаланишга мослаштириш — моддий маданий мерос объектининг тарихий-бадиий қимматини ва асралишини ўзгартирмасдан унинг тарихий-маданий қимматга эга бўлган унсурларини таъмирлаш асосида ундан ҳозирги замонда фойдаланишга шарт-шароит яратиш мақсадида амалга ошириладиган илмий ва илмий-техник тадқиқотлар, лойиҳалаш ҳамда ишлаб чиқариш ишлари мажмуи.

Номоддий маданий мерос объектларини асраш чора-тадбирлари илмий ва илмий-техник тадқиқотлар, ҳужжатлаштириш, тарғиб қилиш ва рағбатлантириш ишларини ўз ичига олади.

Моддий маданий мерос объектини асрашга доир ишлар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан бериладиган руҳсатнома асосида амалга оширилади.

(20-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 октябрдаги ЎРҚ-228-сонли Конуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 440-модда)

21-модда. Йўқотилган маданий мерос объектини асли ҳолига келтириш

Йўқотилган моддий маданий мерос обьекти алоҳида тарихий, илмий, бадиий, шаҳарсозлик ёки ўзгача ижтимоий аҳамиятга молик бўлган ҳолларда йўқотилган моддий маданий мерос обьекти таъмирлаш усувлари орқали асли ҳолига келтирилади.

Йўқотилган номоддий маданий мерос обьекти алоҳида тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача ижтимоий аҳамиятга молик бўлган ҳолларда йўқотилган номоддий маданий мерос обьекти илмий ва илмий-техник тадқиқотлар, таъмирлаш усувлари орқали асли ҳолига келтирилади.

Йўқотилган маданий мерос объектини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан асли ҳолига келтириш тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг маданий мерос объектларининг

тарихий-маданий экспертизаси хulosаси асосидаги тақдимномасига биноан манфаатдор органлар ва ташкилотларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қабул қиласи.

(21-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 октябрдаги ЎРҚ-228-сонли Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 440-модда)

22-модда. Археология ёдгорликларини тадқиқ этиш

Археология ёдгорликларини тадқиқ этиш (қазиш ва қидириш)га Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги берадиган руҳсатномалар мавжуд бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

(22-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 15 сентябрдаги ЎРҚ-5-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 37-38-сон, 277-модда)

Археология ёдгорликларини тадқиқ этаётган шахслар уларнинг бошланғич консервация қилиниши ва асралишини таъминлашлари шарт.

Қазиш ва қидириш ишлари тугаганидан кейин, лекин руҳсатномаларнинг амал қилиш муддатлари ўтмасидан олдин, археология ёдгорликларини тадқиқ этаётган шахслар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига ҳисббот тақдим этишлари ҳамда қазиш ва қидириш натижасида топилган ҳамда тарихий, илмий, маданий ёки ўзгача қумматга эга бўлган ашёларни белгиланган тартибда давлатга топширишлари шарт.

(22-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 15 сентябрдаги ЎРҚ-5-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 37-38-сон, 277-модда)

V. МОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИГА ЭГАЛИК ҚИЛИШ, УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УЛАРНИ ТАСАРРУФ ЭТИШ

23-модда. Моддий маданий мерос объектларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этишнинг ўзига хос жиҳатлари

Моддий маданий мерос обьектининг мулкдори ўзига қарашли бўлган моддий маданий мерос обьекти йўқотилса унинг ўрни тўлдириб бўлинмаслигини ҳамда унинг тарихий, маданий ёки илмий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, уни сақлаб туриш вазифасини зиммасига олади.

Моддий маданий мерос обьектлари жойлашган ер участкаларининг эгалари (мулкдорлари) зиммасига мазкур обьектларни сақлаб туриш вазифаси, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар юкланиши мумкин.

Моддий маданий мерос обьектининг ижараси ижара шартномаси асосида амалга оширилиб, унда моддий маданий мерос обьектини сақлаш талаблари қайд этилган бўлиши керак.

Давлат мулкида турган моддий маданий мерос обьектлари давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши мумкин эмас.

24-модда. Моддий маданий мерос обьектларидан фойдаланиш

Моддий маданий мерос обьектларининг мулкдорлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар:

моддий маданий мерос обьектининг ташки ва ички кўринишини моддий маданий мерос обьектининг паспортига киритилган муҳофаза мазмуни маълумотларига мувофиқ ҳолда сақлаш;

(24-модданинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги ЎРҚ-352-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎРҚҲТ, 2013 й., 18-сон, 233-модда)

алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий худудларни сақлаб туриш тартиботини таъминлаш;

моддий маданий мерос объектининг мулқори томонидан белгиланадиган шартлардаги моддий маданий мерос объектининг ҳамма учун очиқлиги талабларини албатта бажарган ҳолда уларнинг асраришини таъминлашга мажбурдирлар.

25-модда. Моддий маданий мерос объектидан фойдаланиш ҳуқуқларининг чекланиши

Моддий маданий мерос объектидан фойдаланиш шартлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан мазкур моддий маданий мерос объектининг, унинг теварак атрофидаги табиий муҳитнинг муҳофаза қилиниши, асрариши, тарғиб қилиниши ва ундан фойдаланилиши учун, жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши учун қай даражада зарур бўлса, шу даражада чекланиши мумкин.

Хусусий мулкда турган моддий маданий мерос объектидан фойдаланиш ҳуқуқи қонунда назарда тутилган ҳолларда суд қарори билан чекланиши мумкин.

Моддий маданий мерос объектидан фойдаланишда чеклашни жорий этиш заруриятини юзага келтирган ҳолатлар ёки шарт-шароитлар бартараф этилган тақдирда мазкур объектдан фойдаланиш ҳуқуқи тўла ҳажмда тикланади.

26-модда. Моддий маданий мерос объектига доир мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши

Моддий маданий мерос объектига доир мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларига мувофиқ бекор қилиниши мумкин.

Хусусий мулкда турган моддий маданий мерос обьекти қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда суд қарори билан мулқдордан олиб қўйилиши мумкин.

Умумий мулкда турган моддий маданий мерос обьектлари ва уларнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ер участкалари бўлинмайди.

27-модда. Давлат мулкида турган моддий маданий мерос обьектини текин фойдаланишга бериш

Давлат мулкида турган моддий маданий мерос обьекти текин фойдаланиш шартномаси шартларида қўйидагиларга бериб қўйилиши мумкин:

моддий маданий мерос обьектларини саклаш мақсадида фаолият юритаётган жамоат бирлашмаларига;

- болалар жамоат бирлашмаларига;
- ногиронлар жамоат бирлашмаларига;
- диний ташкилотларга.

Моддий маданий мерос обьектидан текин фойдаланиш шартномаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади ва у моддий маданий мерос обьектини саклаш бўйича талабларни ўз ичига олган бўлиши керак.

28-модда. Моддий маданий мерос объектидан фойдаланиш ҳуқуқининг бекор қилиниши

Моддий маданий мерос объектидан фойдаланиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўйидаги ҳолларда бекор қилинади:

моддий маданий мерос обьектидан текин фойдаланиш шартномаси ёки ижара муддати ўтганидан кейин фойдаланувчи фойдаланиш ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечганда;

- фойдаланувчи-жисмоний шахс вафот этганда;
- фойдаланувчи-юридик шахс тугатилганда;
- моддий маданий мерос обьектига фойдаланувчи қасдан зарар етказганда;
- моддий маданий мерос обьекти жойлашган ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда.

Моддий маданий мерос объектларидан фойдаланиш ҳуқуки қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳолларда ҳам бекор қилиниши мумкин.

(*V боб Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 октябрдаги ЎРҚ-228-сонли Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 440-модда*)

VI. АЛОХИДА МУХОФАЗА ҚИЛИНАДИГАН ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ҲУДУДЛАР

29-модда. Алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларни ташкил этиш

Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритилган алоҳида тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган моддий маданий мерос объектлари худудида алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудлар ташкил этилиши мумкин.

(*29-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 октябрдаги ЎРҚ-228-сонли Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 440-модда*)

Алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудлар тарихий-маданий кўриқхоналар, музей-кўриқхоналар, тарихий манзилгоҳлар кўринишида ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ташкил этилади.

Алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларни ташкил этиш тартиби ҳамда уларни сақлаш тартиботи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

30-модда. Тарихий-маданий қўриқхоналар

Диққатга сазовор жой ёки унинг бир қисми ҳамда шу теграда жойлашган ёдгорликлар ва ансамбллар биргаликда тарихий-маданий қўриқхона хисобланаб, унда алоҳида тартибот ўрнатилади. Бу тартибот моддий маданий мерос объектлари теварак атрофидаги тарихий муҳит билан бирга асралшини, тарихий-маданий қўриқхона ҳудудининг яхлитлигини, шунингдек мазкур ҳудуд чегараларида қурилиш ва хўжалик фаолияти тартиба солиб турилишини таъминлайди.

Тарихий-маданий қўриқхона ва у билан боғлиқ табиий ландшафт таркибига кирувчи моддий маданий мерос объектларида музейлар яратилса, шунингдек тарихий-маданий қўриқхона худудида илгари удум бўлган анъанавий хўжалик фаолиятини ва бошқа фаолиятни тиклаш зарурати туғилса, мазкур тарихий-маданий қўриқхона музей-кўриқхона деб хисобланади.

(*30-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 октябрдаги ЎРҚ-228-сонли Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 440-модда*)

31-модда. Тарихий-маданий қўриқхона ва музей-қўриқхона чегараси

Тарихий-маданий қўриқхона ва музей-қўриқхона чегараси Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан тарихий-маданий режа ва (ёки) тарихий-маданий қўриқхона ҳамда музей қўриқхонанинг таклиф қилинаётган чегарасини асослаб берувчи бошқа материаллар асосида аниқланади.

(*31-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 15 сентябрдаги ЎРҚ-5-сон Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 37-38-сон, 277-модда*)

Тарихий-маданий қўриқхона ва музей-қўриқхона чегараси диққатга сазовор жойнинг чегарасига тўғри келмаслиги мумкин.

32-модда. Тарихий манзилгоҳ

Тарихий манзилгоҳ дейилгандан унинг ҳудуди доирасида ўтмишда яратилган, тарихий, эстетик, ижтимоий-маданий, археологик, меъморий ёки шаҳарсозлик қимматига эга бўлган ва ҳалқнинг ўзига хослигини, унинг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссасини

сақлаб қолиш учун муҳим аҳамиятга молик моддий маданий мерос объектлари жойлашган манзилгоҳлар тушунилади.

(32-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 октябрдаги ЎРҚ-228-сонли Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 440-модда)

Тарихий манзилгоҳда жойлашган ва шаҳарнинг муайян бўлаги сифатида тарихий қимматга эга бўлган барча объектлар: режавий тарх, иморат, композиция, табиий ландшафт, археологик қатлам, шаҳардаги турли (бўш турган, иморатлар курилган, кўкаламзорлаштирилган) майдонларнинг ўзаро нисбати, катта-кичик ёки узун-қисқа кўринишлари, шаҳар курилишининг бўлак-бўлак ва хароба ҳолидаги осори атиқалари, саҳни, маҳобати, тузилиши, услуби, материаллари, ранги ва манзарали элементлари билан ажралиб турадиган бинолар, иншоотларнинг шакли ва ташқи қиёфаси муҳофаза қилиниши керак.

Тарихий манзилгоҳдаги табиий таркиб топган ва инсон қўли билан яратилган манзаралар уйғулити, тарихий манзилгоҳ тараққиёти даврида унга хос бўлиб қолган турли жиҳатлар, шунингдек бошқа қимматли элементлар сақлаб қолиниши керак.

33-модда. Тарихий манзилгоҳда шаҳарсозлик, хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятни тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари

Тарихий манзилгоҳ ҳудуди доирасида шаҳарсозлик, хўжалик фаолияти ва бошқа фаолият моддий маданий мерос объектлари ва мазкур манзилгоҳнинг бошқа қимматли хусусиятларини сақлаб қолиш шарти билан амалга оширилмоғи лозим.

Моддий маданий мерос объектларини, шунингдек тарихий-маданий ёки табиий қимматга эга бўлган бошқа объектларни сақлаб қолиш максадида тарихий манзилгоҳларда қонун ҳужжатларига мувофиқ шаҳарсозлик фаолиятини тартибга солишнинг алоҳида тартиби белгилаб қўйилади.

Тарихий манзилгоҳларда шаҳарсозлик фаолиятини тартибга солишнинг алоҳида тартиби маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқарувини амалга оширувчи тегишли органнинг ҳамда архитектура-шаҳарсозлик фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқаруви органларининг назорати остида ўтказиладиган моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича изчил ва ўзаро боғлиқ тадбирлар тизимидан иборат. Алоҳида тартиб тарихий-меъморий, тарихий-шаҳарсозлик, архив ва археология тадқиқотлари асосида тарихий манзилгоҳ ҳудуди чегараларида тарихий-маданий қимматга эга бўлган ер участкаларида жойлашган, ҳам сақланиб қолган, ҳам йўқотилган мазкур тарихий манзилгоҳнинг ривожланиш босқичларини кўрсатувчи барча шаҳарсозлик элементлари ва иншоотларини асослаган ҳолда тарихий-маданий таянч режасини тузишни, бинолар ҳамда иншоотларнинг ўлчамлари ва нисбатларига, автомобиллар турадиган жойларни, рекламалар ва лавҳаларни жойлаштиришни тақиқлаш ва чеклашларга ҳамда моддий маданий мерос объектларини сақлаш учун зарур бўлган бошқа чеклашларга тааллуқли шаҳарсозлик регламентини ўз ичига олади.

(33-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 октябрдаги ЎРҚ-228-сонли Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 440-модда)

VII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

34-модда. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг молиялаштирилиши

Маданий мерос объектларини давлат томонидан муҳофаза қилиш бўйича фаолиятни молиялаштириш манбалари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлардир.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки бўлган моддий маданий мерос объектларининг муҳофаза қилиниши ва улардан фойдаланилиши мулкдорлар ва фойдаланувчиларнинг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Моддий маданий мерос объектларини фойдаланишга беришдан, хизматлар кўрсатишдан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ажратмалари ҳамда хайрияларидан тушган маблағлар қонун ҳужжатларига мувофиқ моддий маданий-мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш ва тарғиб қилишга ҳамда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишда банд бўлган ходимларни моддий рағбатлантириш учун сарфланади.

(34-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 октябрдаги ЎРҚ-228-сонли Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 440-модда)

35-модда. Низоларни ҳал этиш

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалалари юзасидан келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларida белгиланган тартибда ҳал этилади.

36-модда. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.
2001 йил 30 август,
269-II-сон